

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

# Ўшқиди



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 16-iyun, №24 (1013)

Ифтихор

## Тинчлик ва осойишталигимизни кўз қорачиғидек асрайлик



**Шухрат УЗАКОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурорининг ўринбосари —  
Ўзбекистон Республикаси  
Харбий прокурори

Ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаятгани, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётгани мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортаётганининг яққол тасдиғидир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, бундай улкан натижаларнинг асосий омили халқимизнинг дунёқараши, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганидадир.

Энг муҳими, эртанги кунимизнинг таянчи ва суяنجи бўлиши ёш авлодимизнинг янги, мураккаб фикрлайдиган, замонавий билим ва касбухоналарни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

[Давоми 4-бетда]

Тадбир

Эътироф

Халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йигирма беш йиллигини баланд руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонлаш арафасидамиз. Мустақиллик бу — энг аввало, ҳуқуқ демакдир. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, буюк тарих, маданият ва маънавиятга эга эканлигимизни, ўзимизни чуқур англаб, беқийёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни тиклаш ҳамдир.

## Инсон манфаатлари йўлида

Тан олиш керак, ўтган йигирма беш йил давомида мамлакатимизнинг миллий демократик давлат қуриш, иқтисодий янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг қўламли ишларини, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини жаҳон тан олди. Бундай юксак марраларга, албатта, мустақиллик тўғрисида эришдик.

Ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ўз мустақиллигининг дастлабки босқичида ўз тараққиёт йўлини танлаб олади. Бу йўл, албатта, унинг келажигини, ушбу давлат, унда истиқомат қиладиган ҳар бир инсон ҳамда инсонлар тақдирини белгилашда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўзбекистон давлати ўз мустақиллигининг сал кам йигирма беш йили мобайнида эришган ютуқлари ва марралари билан ҳеч муболағасиз ўз мустақил тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан барқарор ривожланаётган келажиги буюк давлат эканлигини бугун нафақат бу жаннатмакон юрtdа яшаётган ҳар бир инсон, балки бошқа ривожланган, ривожланаётган давлатлар, халқаро жамоатчилик ҳам хайрат ва ҳавас билан эътироф этмокда.

Дарҳақиқат, бундай муваффақиятлар тараққиёт одимларига, аввало, мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришгани энг муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмокда. Хусусан, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, иқтисодий имкониятлар ва қулай иқтисодий ҳамда ишбилармонлик муҳити яратилаётганлиги ҳам мустақиллик нёъматларидан биридир.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг: "Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқдир. Яъни ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва қудра-

**Хидир КАРИМОВ,**  
Бош прокуратура ички хавфсизлики  
таъминлаш инспекцияси бошлиғи

тига суяниб, ота-боболарининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир", деган фикрлари нақадар ҳаётий ва ушбу тушунчанинг умумназарий асосларини тўла қамраб олганлигига яна бир қарра амин бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг, аввало, ҳуқуқ билан узвий боғлиқлиги нафақат миллий, балки умум-эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, шахс — жамият — давлат деб ном олган ўзаро бир-бирига боғлиқ ижтимоий муносабатларда қонун устуворлиги таъминланиши инсоннинг ўз қадр-қиммати, орномуси ва гурурини англашига, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига хизмат қиладиги, буларнинг негизда мустақиллик деб аталган буюк нёъмат борлигини ҳамма ҳам бирдек англаб етишга қодир бўлиши лозим. Чунки, Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши, шунингдек, умумэътироф этилган халқаро тамойиллар ҳамда қоидаларнинг (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт, Хабёас корпус акти ва ҳоказо) тан олинishi, кейинчалик 1992 йил 8 декабрь куни Бош Қонунимизнинг қабул қилиниши ва бошқа давлатимиз истиклол солнамаларида олтин ҳарфлар билан битилган тарихий воқеалар шу юрtdа истиқомат қиладиган ҳар бир инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият эканлигига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди ва хизмат қилмокда.

[Давоми 3-бетда]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ халқимиз Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — истиқлолнинг 25 йиллигини "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя асосида муносиб кутиб олиш ва тантанали равишда нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмокда.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлган мазкур сана ҳақида гапирганда, тарихан қисқа даврда босиб ўтган гоят оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимиз, амалга оширган кенг қўламли ислохотларимиз, қўлга киритган улкан марра ва ютуқларимиз кўз олдимизга келади.

Айниқса, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, дунёда "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиямиз биз танлаган ривожланиш йўлининг қанчалар тўғри ва ҳаётий эканини исботлаб бермокда.

## Коррупцияга қарши курашишга бағишланди

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда "Фуқароларнинг коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича хабардорлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлашди. Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда жиноятчиликка, хусусан, коррупцияга қарши курашиш долзарб аҳамиятга эга.

Коррупция глобал муаммолардан бири бўлиб, у фуқароларнинг ижтимоий адолатга, давлат органларига нисбатан ишончини сусайтиради. Бу муаммага қарши курашиш борасида кўплаб халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда бу борада қабул қилинган халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан бирга, коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган миллий ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланди.

Семинар-тренингда журналистлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари коррупция ҳолатларига қарши курашиш масалаларида хабардорлигини ошириш, ижтимоий шериклик доирасида иштирокларни томондан қўшма иш режалари ишлаб чиқиш, ОАВда коррупцияга қарши кураш, журналист суриштирувини ўтказиш ва ушбу мавзунини таҳлилий ёриштириш бўйича касб қўникмаларини ўзлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз





# Тинчлик ва осойишталигимизни кўз қорачиғидек асрайлик

Давоми. Бошланиши 1-бетдан


Давлатимиз раҳбарининг қароридан мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирларида юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва худудий яхлитлигининг ишончли канолати бўлган Куролли Кучларни ислох қилиш ва миллий армиянинг салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилган, кўламини ва миқёсига кўра улкан ўзгаришлар бўйича кенг тушунириш ишларини олиб бериш, бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебахо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталиқни кўз қорачиғидек асрайлик, миллатлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустахкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур очиб беришдек устувор вазифалар ҳам белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай давлатнинг мустақиллиги, халқнинг эрки унинг ўз армияси, Куролли Кучлари томонидан ҳимоя қилиниши керак. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, "...ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат қилишга, бўйин эгишга мажбур бўлади".

Дарҳақиқат, ўз мустақиллигини, тинчлигини асрай олган давлатгина барқарор ривожланади, тинчлик, хотиржамлик, осойишталик қарор топган мамлакат гуллаб-яшнайдими. Биз келажаги буюк давлат куришни, тараққийётда энг пешқадам давлатлар сафига бўлишни ўз олдимизга улғу мақсад қилиб қўйган эканми, бунинг учун биринчи навбатда, мамлакатимиз мудофасини мустахкамлашга катта эътибор қаратишимиз табиийдир.

Эътироф этиш керак, Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армияни ташкил этиш бўйича ўзининг кўламини ва миқёсига кўра улкан ишларни тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилди.

Қарорда таъкидланганидек, тинчлик учун курашиб яшаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиш ислохотлар жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бу ўринда она юрт психологияси улкан масъулият юкланади. Ватан ҳимоячи-



ларининг огоҳ ва хушёрлиги дунё ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан яхши ҳабардор бўлиши, уларни таҳлил қилиши ва ўзи учун тўғри ҳулосалар чиқариб олишига боғлиқ. Огоҳ ва хушёр бўлишимизда, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмастлигимизда юксак маънавият муҳим ўрин тутяди. Демак, огоҳлик ва хушёрлигимиз кимлигимизни, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебахо мерос ворислари эканлигини англаш, она юртга муҳаббат ва садоқатда, муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, ҳимоя қилишга, Ватанимизни ҳар томонлама раванг топтиришга қодир бўлишимизда намоён бўлади.

Ватан ҳимоячилари огоҳ ва хушёр бўлиши учун қуйидагиларга амалга қилиш лозим деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, ён-атрофимиздаги воқеаларга бефарқ бўлмастлиқ. Президентимиз, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондонидан Исрол Каримов 2016 йилда Ватан ҳимоячиларига йўлаган байрам табригиде, "Ҳозирги кунда жаҳон миқёсда вазият қандай тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можабро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар бизда чуқур ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотмасдан қолмайди, албатта", деб, бизни хушёрлик ҳамда огоҳликка даъват этдилар.

Демак, жаҳонда содир бўлаётган турли можабро, ҳунрезликларни кузатиб, улардан ҳулоса чиқарар эканми, огоҳ ва хушёр бўлишимиз шарт. Иккинчидан, онгимизни эгаллаш, бемаъни ва бизга ёт бўлган турли гоғларни сингдириш мақсадида интилатган бузғунчи кучлар томонидан бўлаётган гоғвий ва руҳий хуружларнинг кучайиб бораётганини тушунишимиз ва чуқур англаб олишимиз учун ҳам огоҳлик, хушёрлик зарур. Бундай хуружлар нималарда акс этади?

Аввало "оммавий маданият" деган никоиб остида ахлоқий бузуқлик ва зуъронлик, ин-

дивидуализм, эгоцентризм гоғларини тарқатиш, бошқа халқларнинг аъна ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларини қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлардан огоҳ бўлишимиз лозим.

Навбатдагиси — информацион-психологик хуружлар. Улар армиямизнинг негизига пугур етказиш, аввало, унинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга уриниш ва шунингдек, замонавий интернет технологияларидан фойдаланиш орқали бизнинг бунёдкорлик руҳидаги бой маданиятимиз, маънавий қадрият ва аъналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи гоғ ва тушунчаларни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир.

Диний экстремизм ва халқаро терроризм билан боғлиқ хуружлардан ҳам огоҳ, хушёр бўлиш талаб этилади. Мафкуравий хуружлар, таҳдидлардан огоҳ бўлиш ҳам замон талабидир.

Маънавият Ватан ҳимоячисининг огоҳлигини, хушёрлигини таъминлашда, юртга фидойиларча хизмат қилиш, меҳнат ва жасоратга руҳлантиришда қудратли омилдир. Маънан бой инсонгина ўзини шахс сифатида англайди, жамиятдаги ўз ўрнини тушунади, жамият ва жамоанинг узвий бир қисми эканлигини ҳис қилади. Маънан бой ҳарбий хизматчи нафақат Ватаниннинг ҳимоячиси, у, аввало, мамлакат ишлари ва ташвишларига дахлдорлигини чуқур ҳис этувчи ўз мустақил Ватаниннинг ватанпарваридир. У — мустақиллигимиз тақдирини, мамлакатимиз келажагини, унинг хавфсизлигини ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти учун ўз масъулиятини чуқур англовчи бурч кишисидир.

Маънавиятимизни юксалтиришда биз буюк аجدодларимиз Жалолиддин Манғуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур ва бошқа буюк сиймонларнинг саркардалик қобилияти, ҳарбий санъати ва стратегик тафаккурини ўрганишимиз ва эгаллашимиз зарурлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Учинчидан, юксак сиёсий, маънавий огоҳлик ва жанговар ҳушёрлик заруратини эсдан чиқармаслик лозим. Фақат Ва-

танга муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшовчи маънан бой авлодгина мамлакатини ҳар томонлама раванг топтириш ва уни турли бало-офатлардан сақлашга қодир, деб таъкидлайди Юртбошимиз. Огоҳлик — ҳарбий хизматчи маънавиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, нафақат унинг шахси бир қирраси, балки душман кирдикорларига қарши курашда ўткир қуролдир. Шу сабабли ҳар бир офицер, сержант ва аскар наинки мунтақил Ватанимизнинг ишончли ҳимоячиси бўлиши, балки бизга ёт ва душманлик руҳи билан суғорилган мафкурага қарши курашишга қодир огоҳ курашишга айлиши лозим.

Ҳозирги кунда барчамиз мафкуравий, руҳий, ахборот кураши — курашнинг энг жиддий, кучли шаклларида бири эканини ёддан чиқармаслигимиз керак. Ва шу билан биргаликда, бугунги дунё мурраккаб, зиддиятларга тўла эканлигини, мафкура соҳасидаги қарама-қаршилик эса тобора кучайиб бораётганини унутмаслик талаб этилади. Бу — кишилар онги ва қалби учун мунтазам ҳаракатда бўлган, тўхтовсиз кураш fronti. Шу сабабли, огоҳлигимизни замон талаблари даражасига қўтариш, ахборот хавфсизлигини мустахкамлаш учун бундан кейин ҳам маънавий-ахлоқий тарбияни янада тақомиллаштириб боришимиз, унинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишимиз лозим. Ҳар кун, ҳар соатда Юртбошимизнинг ҳозирги мурраккаб шароитда огоҳлик, хушёрлик, ўзини тута билиш ва вазиятга ақл-идроқ билан баҳо бериш муҳорати ҳар қачонгидан-да муҳим эканлиги ҳақидаги кўрсатмаларини ёдда тутишимиз ва шу асосда иш олиб боришимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз хавфсизлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини бардавом барқарор таъминлаш учун огоҳлик ва хушёрлиқни кундалик одатга айлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бу борада ҳарбий прокуратура органлари томонидан қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш,

уларга янги қабул қилинган қонун ҳужжатларига қиритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, айниқса, уларнинг огоҳлигини ва Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини ошириш, мафкуравий иммунитетини мустахкамлаш борасида қонунчилик тарғиботи тадбирларини кенг миқёсда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чегараолди ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида мунтазам равишда учрашувлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг май-июнь ойларида Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалаларини қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида республика бўйлаб ҳар бир вилоятда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан "Огоҳлик ва хушёрлик — ҳаётимиз мезони" мавзусида тарғибот тадбирлари ўтказилиб, тобора авж олаётган диний экстремизм ва терроризм таҳдиди, айрим чет эл мамлакатларида содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари, бу баҳога қарши курашишда ҳуқуқий тарғибот ва маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти, юртимизда терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларнинг ижроси доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жиноий жавобгарлик масалаларида афрофлика тушуниришлар берилди.

Бу, албатта, огоҳликни оширишга қаратилган тадбирларнинг мантиқий давоми бўлиб, айна пайтда мазкур йўналишдаги ишлар янада жадаллаштирилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллигимиз ва тинчлигимизни асраб-авайлаш, бу йўлда умримизни, кенг бўлса, жонимизни фидо қилиш, Президентимиз таъбири билан айтганда, она юртимиз бахту иқболни ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир.

# Ободлик ўз қўлимизда

Юртимизнинг изгирилиги ва серёгини фасллари кўп қаватли уйлари жиддий синовдан ўтказди. Бундай ҳолатларга эса, аввало, ушбу соҳанинг масъул ходимлари яхши тайёргарлик кўриши керак. Ўз ишига совуққонлик билан қараш кўп қаватли уйларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлади.



**Жамшид АХМЕДОВ,**  
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

ларига 1510 кв. метр ҳажмда бетон қопламаси ётқизилди. Кўшимча 14 та йўлаклар қурилди, 870 кв. метр том мукамал ва 360 кв. метри жорий таъмирланди, ёғоч ромлар акфа ромларига алмаштирилди, кириш эшикларига кодли қулфлар ўрнатилди. 4 та болалар майдончаси таъмирланди, 2 таси янгидан барпо этилди.

Вилоят прокуратураси томонидан намуна тартиқасида Самарқанд шаҳридаги "Боғшамол" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати оталиққа олинди. 1150 нафар аҳоли истиқомат қилаётган 15 та кўп қаватли уйлarning иситиш, газ ва электр, ирригация тизимлари тартибга келтирилди. Қуриган дарaxтлар ўрнига мевали ва манзарали дарaxтлар екилди.

Ҳовлиларда ноқонуний

комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги кенгайтирилган йиғилиши баённомасининг ижроси юзасидан назорат тадбирлари ўтказилди.

Унда Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидаги фуқаролар истиқомат қиладиган кўп қаватли уйлари кузқиш мавсумига тайёрлаш аҳволи ўрганилди. Прокуратура ходимлари томонидан қурилиш-муҳандислик мутахассислари, ҳокимлик, ички

ишлар ва солиқ идоралари вакиллари билан ҳамкорликда жойларга чиқилиб, фуқаролар билан учрашилди, хонадонлар, уйлarning иситиш тармоқлари текширилди.

Бу йил Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидаги 503 та уй-жой, жумладан, 51 та кўп қаватли уйлар, уларнинг том, ертўла ва йўлаклар мукамал ва жорий таъмирланди. Хусусан, 10 худуддаги уйлarning йўлак-

Мазкур соҳадаги қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасида Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 8 апрелдаги "Республика иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп қаватли уй-жой фондини 2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумига

## Тадбиркорлик ҳимоясида ижтимоий шериклик

Пойтахтимизда "Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хусусий мулкни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, Бош прокуратура, Адлия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йиллари мулкдорлар синфи жамаиятимизнинг қудратли таянчига айлангани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етганини алоҳида таъкидлади.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулкни ишончли муҳофаза қилишга оид яратилган қонунчилик базаси мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиши, фуқароларнинг тадбиркорлик фаоллиги ошишига замин яратди. Жаҳон банкининг эътирофига қўра, Ўзбекистон тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган ўн та давлатдан бири бўлди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи миллий институтлар ва жамоат ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Улар томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари учун масъул шахслар, жумладан, назорат,

ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ваколатли давлат органларининг жавобгарлиги муқаррарлиги таъминлини устидан назоратни қўйишга қаратилган комплекс ва тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунда ижтимоий шериклик тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ҳам амалга оширилиши ўз ифодасини топган.


Бош прокуратурада фуқаролар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муурожаатларини узлуқсиз қабул қилиш электрон тизими фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур тизимга 34 идора, прокуратура органларининг вилоят ва туман бўлинмалари бириктирилган. Муурожаатлар бўйича тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари таъминланмоқда.

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш эркинлигига оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Омбудсман фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Савдо-саноат палатаси туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда жойларда "Тадбиркорлар куни" ташкил этилиб, унда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган режали текширувларда иштирок этиш ва унинг ҳаққонийлиги юзасидан сўровнома ўтказиш йўлга қўйилган.

Анжуманда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва хусусий мулк ҳимояси соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама этилди.

Тадбир якунида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

ЎЗА



## Сайловлар кўтаринки руҳда ўтмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгагининг 2016 йил 5 мартдаги қарорига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ўтказиладиган сайловлар давом этмоқда. Айни вақтда сайловлар Наманган вилоятининг қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларида ўтказилмоқда.

Нилуфар НИЁЗОВА,  
«Huqiq»

вакиллари ҳар бир номзод дастурига қизиқиш билан қараб, ҳаттоки маслаҳатчиларнинг қобилияти борасида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ-ошкора билдиришмоқда. Худудни ривожлантиришга оид таклифларини ўртага ташлашмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Уйчи тумани бўлинмаси раиси Абдумутал Нахмиддинов.

Маълумот ўрнида шунини алоҳида қайд этиш жоизки, Наманган вилоятида 882 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Яъни 771 та маҳалла, 15 та шаҳарча, 96 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари мавжуд.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловда вилоят миқёсида 1 миллион 748 минг 540 нафар сайловчининг иштирок этиши режалаштирилган. Мазкур жараёнда вилоятимиздан 882 нафар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг 9600 нафардан зиёд маслаҳатчилари навбати билан сайланмоқда.

Сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида барча фуқаролар йиғинларида умумий йиғилишлар ўтказилиб, вилоят бўйича фуқароларнинг 67 минг 384 нафар вакиллари сайланди ҳамда сайловларни ўтказиш вақти ва жойи белгиланди.

Сайлов ўтказилиши белгиланган биноларда ишчи гуруҳларнинг фаолият кўрсатиши учун алоҳида хоналар ташкил этилиб, зарур техника воситалари билан жиҳозланди.

Шунингдек, Наманган шаҳар ва туманлар марказларида сайловлар тарғиботи оид электрон табло ва реклама паннолар ўрнатилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.



# Маҳалла – ноёб институт

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалла институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Давлатчилик тарихида ilk бор маҳалла институтига оид нормалар мамлакатимиз Конституциясининг 105-моддасига киритилиб, ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланиши кўрсатиб ўтилди ва ушбу асосда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.



Жўрабек РАХМАНОВ,  
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим  
бошлиғи ўринбосари

**М**азкур қонун бу органлар фаолиятга бағишланган ilk норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаси, ваколатлари, фуқаролар йиғини ва раис (оқсоқол)нинг ваколатлари, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабати асослари белгилаб берилди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат органларидан холи эканлиги белгилаб қўйилди.

Демократик ислоҳотлар чуқурлашгани сари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бошқарув соҳасидаги иштироки кенгайиб борди. 1999 йил 14 апрелда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Унда биринчи бор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришдаги ҳуқуқи бевосита белгиланди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тушунчалари берилди, улар фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кафолатлари аниқланди, мазкур органларнинг тизими кенгайтирилди, раис ва унинг маслаҳатчилари сайловининг демократик принциплари белгиланди ҳамда фуқаролар йиғини ваколатлари кенгайтирилди.

2013 йил 22 апрелда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилиниб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари янада кенгайтирилди.

Қонуннинг янги тахририда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли-

нинг ижтимоий ночор қатмларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалар, ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаши, ўз ҳудудда яшовчи фуқароларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиши билан боғлиқ нормалар кўзда тутилди.

Шунингдек, ушбу қонун билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз ҳудудда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича кўшимча ваколатлар берилиб, уларнинг шакл ва кафолатлари ҳам назарда тутилди.

Бу борада мутасадди идоралар томонидан 2013 йил 24 июнда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низоми" тасдиқланиши қонун нормаларини амалиётга татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Янги тахрирдаги қонунда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 47-сонли қарори билан "Фуқаролар йиғинининг "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси тўғрисида"ги Низом тасдиқланиб, унга кўра мазкур жамоатчилик тузилмаси мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларда огоҳлик ва фаолликни ошириш, ҳуқуқ-тар-

тиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари ҳамкорликдаги ишларни тизимли йўлга қўйиши лозимлиги белгиланди.

Бу ўринда муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек, "Жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, биринчи галда, маҳаллаларнинг ролини янада ошириш зарур.

Маҳалла кўмиталарининг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа гайриқонуний хатти-ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга" ҳисобланади.

Худудларда ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини сақлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин тутди. Бу борада прокуратура органлари томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

/Давоми 11-бетда/

## Жалқаро меъёрларга мос

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз божхона назоратини самарали таъминлаш, юртимиз ҳудудига товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдонни ривожлантириш ҳамда уни амалга оширишга шарт-шароитлар яратишда Божхона кодекси муҳим аҳамиятга эга.

**Ш**уни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда божхона ишини янада яхшилаш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид саъй-ҳаракатлар босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда. Утган даврда ҳаётга татбиқ этилган бир қатор қонунлар мазкур тизимнинг самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилаётти.

Давр талабидан келиб чиқиб, қолаверса, божхона ишида халқаро стандартларга мос бўлган ягона қонунчилик базасини шакллантириш, божхона бошқарувининг барча даражасида ҳуқуқий норма ва муносабатларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг божхона томонидан тартибга солинишида комплекслик ҳамда шаффоқликни ошириш мақсадида ишлаб чиқилган янги тахрирдаги Божхона кодексининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Тўрт юздан ортқ моддадан иборат бўлган, жорий йилнинг 20 январьдаги қонуни билан тасдиқланган янги тахрирдаги Божхона кодекси амалдагисидан концептуал нуктаи назардан фарқ қилади. Унда божхона маъмуричилигининг барча босқичи ҳамда даражаларида меъёрлар ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, божхона томонидан тартибга солишнинг ошқоралигини оширишга эътибор қаратилган. Чунончи, кодексда рўхсат этиш хусусиятига эга бўлган

турли ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари энгиллаштирилди. Тижорат ҳамда нотижорат мақсадларидаги транспорт воситаларини, шунингдек, товарларни божхона чегараси орқали қувур транспорти ва электр ўтказувчи линиялар орқали олиб ўтиш тартиби анча мақбуллаштирилди. Божхона назоратининг янги шакллари жорий қилингани эса божхона назоратини мукамал ўтказишга ҳамда расмийлаштирув вақтини қисқартиришга олиб келади.

Айниқса, унда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қўлайликлар диққатга сазовор. Масалан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувларни қисқартириш мақсадида товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назоратини ўтказиш муддати уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Қолаверса, бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланган интеллектуал мулк субъектларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ўз инфодасини топди. Бу албатта, мамлакатимизда интеллектуал мулк субъектлари эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Чиндан ҳам, янги тахрирдаги Божхона кодекси иқтисодий ислохотларни янада либераллаштириш ҳамда чуқурлаштиришнинг бугунги талаблари ва вазифалари билан уйғун бўлиб, ушбу соҳадаги ўзгаришларни янги босқичга кўтаради. Бу билан божхона ишининг халқаро стандартларга мос бўлган, тарқоқ норма ҳамда қоидаларини умумлаштирувчи ягона қонунчилик базаси шакллантирилди, божхона тартиб-таомилларига оид норма ва ёндашувлар унификациялаштирилди ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда шаффоқлик кучайтирилди. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда давлатимизнинг иқти-

содий хавфсизлигини таъминлашга оид янгича ёндашув ва мезонлар асос қилиб олинган.

Ушбу ҳужжат билан бир қатор янгилликлар, хусусан, соҳада "бир дарча" тизимининг жорий қилиниши ташқи иқтисодий фаолият учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, ташқи савдонни амалга оширишда маъмурий ва техник тўсиқларни қисқартириш имконини беради. Товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнини энгиллаштиради. Божхона назорати чоралари самарадорлигини ҳамда давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилайди. Негаки, Божхона кодекси, энг аввало, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини камайтириш, қарама-қарши нормаларни бартараф этиш, ҳуқуқий нормаларни янада аниқ ва тушунарли ифода этиш орқали ташқи савдодаги бюрократик тўсиқлар даражасини пасайтиришга йўналтирилган.

Бундан ташқари, янги тахрирдаги Божхона кодексида фаолиятни янада самарали ташкил этишга қаратилган йўналишлар, хусусан, барча турдаги божхона операцияларини ўз ичига олган божхона бошқаруви қоидалари ҳамда меъёрларини бирлаштириш, божхона расмийлаштируви жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари механизмни аниқ белгилаш, барқарор божхона тизимини яратиш каби жиҳатлар ҳам ақс этган.

Маълумки, бугунги кунда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг божхона органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган замонавий шакллари жорий қилиш катта аҳамиятга эга. Шу боис, кодексда Давлат божхона назоратининг ягона автоматлаштирилган

Беход МУТАЛЛИЕВ,  
Наманган шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

ахборот тизими фаолиятининг тартибга ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Мазкур тартиб божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини сезиларли даражада қисқартиради. Бу эса ўз навбатида, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан товарларни божхонада расмийлаштириш тартиб-таомилларини анча энгиллаштиради. Божхона расмийлаштируви учун электрон рақамли имзодан фойдаланиш эса, табиийки, божхона назорати амалиятини кескин равишда соддалаштиради ва тезлаштиради.

Кодексда божхона тўловларига оид масалалар янада батафсил тартибга солинди. Жумладан, божхона тўловларини тўлаш тартиби ҳамда муддатларини белгилашга доир махсус боб ажратилган бўлиб, унда божхона тўловларини амалга ошириш муддатлари, тартиби ва шакли аниқ ифодаланди. Шунингдек, божхона тўловларининг тўланиши ҳамда давлат бюджетига ўтказишдаги расмиятчиликнинг соддалаштирилгани ушбу жараёнга сарфланадиган вақтни янада қисқартиришга имкон беради.

Қисқача айтганда, янги тахрирдаги Божхона кодекси Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини самарадорлигини ошириш, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада тараққий этиши, энг асосийси, уларнинг махсулоти жаҳон бозорларига чиқиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратишининг муҳим омилга айланади.







Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилётган имтиёз ва эркинликлар ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

# Яширин фаолият оқибати

Шунга қарамасдан баъзи фуқароларимиз давлат томонидан яратилаётган имконият ва имтиёзлар моҳиятини тушунмасдан ёки билгани ҳолда, сохта тадбиркорлик йўлидан юраётгани кишини таажубга солади.

Даврон МАҲРАМОВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Жиззах туман бўлими бошлиғи

У ҳам ўз хонадонидида қўлбола усулда ясалган жувоз ускунасини ўрнатиб, электр тармоғига ўзбошимчалик билан улашиб, истеъмол учун яроқсиз бўлган пахта ёғини ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлиги аниқланди.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан қонунбузарларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.



Сурҳондарё вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Хусусан, фуқаро Ботир Мамажонов (исм-фамилиялар ўзгаририлган) муқаддам содир этган жинояти учун амнистия актига асосан жазодан озод этилган эди. Бироқ у бундан ўзига тегишли ҳулоса чиқармасдан яна жиноят йўлига кирди. У хонадонининг қурилиши тугалланмаган хонасига қўлбола усулда ясалган жувоз ўрнатиб, электр тармоғига ўзбошимчалик билан улашиб, чигитдан истеъмол учун яроқсиз бўлган ёғ маҳсулоти ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлиги аниқланди.

Тадбир давомида Ботир Мамажоновнинг хонадонидан 470 минг сўмлик жувоз ускунаси, 360 минг сўмлик техник ускуна, 720 минг сўмлик 150 литр жувоз ёғи, 30 килограмм кунжара ва 70 килограмм чигит ҳолислар иштирокида ашёвий далил тарикасида расмийлаштириб олинди.

Худди шундайларнинг сирасига Валибек Исирбековни ҳам киритишимиз мумкин.

# Қилмишларига яраша жазо олишди

Бугунги кунга келиб, миллат ва ҳуау танламайдиган одам савдоси жинояти инсоният оламида энг катта муаммолардан бирига айлангани, бу иллатнинг аянчли оқибатлари ҳақида тинимсиз бонг урилмоқда. Шундай бўлса-да, ушбу жиноят қурбонлари ҳақида ҳануз учраб турибди.

Шу ўринда кимлар одам савдоси жиноятининг қурбонига айланади, деган саволга жавоб ахтариб кўрайлик. Албатта, биринчи галда ишлаш учун ноқонуний равишда хорижга чиқиб кетаётганлар шундай ҳолатга тушиб қолади. Чунки хорижда улар билан расмий равишда меҳнат шартномаси тузилмади ва бундайлар арзиманган ҳақ эвазига энг оғир ишларни ҳам бажаришга мажбур бўладилар. Охир-оқибатда ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оғирлик қилдилар.

Жумладан, фуқаро Басим Туймуратов (исм-фамилиялар ўзгаририлган) ва бошқаларнинг аризасига асосан ўтказилган терговолди текширувида Нукус туманида яшовчи фуқаролар Баурджан Сейитов ва Надир Жанибековлар Б.Туймуратовни Қозоғистон

Республикасининг Олмота шаҳрида жойлашган гишт заводига олиб борагач, фуқаролик паспортларини йиғиб олгани, 3-4 ой мобайнида турли ишларни қилишса-да, олдидан келишилган иш ҳақларини бермаганлиги аниқланди.

Маълум бўлишича, 8 нафар фуқаронинг ишсизлигидан фойдаланган икковлон уларга Қозоғистон Республикасида иш борилиғи айтиб, ойига 90-120 минг Қозоғистон тангаси беришни ҳамда йўл харажатларини ҳам ўзлари тўлашни ваъда қилишган. Сўнгра ушбу фуқароларни Олмота шаҳрига олиб бориб, ўша ҳудудда яшовчи Қозоғистон фуқароси Асен исмли шахсга фуқаролик паспорти билан топшириб юборишган. Шунингдек, уларнинг ишлаб топган иш ҳақларини ҳам беришмаган.

Мазкур ҳолат юзасидан қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, суди ҳукми билан уларга тегишли жазо тайинланди.

Санжар ТОЖИЕВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Нукус туман бўлими бошлиғи

# Бировларнинг ҳисобига бойимоқчи эди

Каримжон Мирзаев (исм-фамилиялар ўзгаририлган) ҳисобчилик касбига бежизга қизиқмаган экан. У ҳисобчи ёрдамчиси бўлиб ишлаб юрган қорали ҳисоб рақамлари орқали миллион-миллион сўм пулларнинг у ёқдан бу ёққа ўтаётганини, касирнинг дам-бадам "нақд"ни санаётганини кўриб қувонар, кунлар келиб бу "операция"лар ортдан ўзи ҳам мўмайгина пул ишлаб олишни ўйлаб, мамнун жилайиб қўяраи.

Нихоят, 2007 йилда туман ҳокимлиғи Маданият ва спорт ишлари бўлими бош ҳисобчиси лавозимига тайинлангач, у кутган кунлар етиб келганини англади. Бироқ кўнглига тугиб қўйган ишларни бирданга амалга ошириб бўлмаслигини ўйлаб, 2013 йилгача "майда иш"лар билан кифояланди. Бора-бора табиатида хотиржамлик пай-

до бўлиб, эгри ишлардан асло чўчимайдиган даражага етди.

К.Мирзаев 2013 йилнинг октябрь ойида "Маданият ва спорт бўлими ходимларининг банк пластик картчаси учун иш ҳақи маблағлари ҳисобидан ўтказишга тузилган рўйхат"га ўзининг исм-фамилиясини киритиб, бўлим мудри С.Қобулованинги имзосини сохталаштирган ҳолда ўз пластик картчасига 1 млн. 733 минг сўм, ноябрь ойида 17 млн. 712 минг сўм, декабрь ойида яна 12 млн. 542 минг сўм ўтказиб, бу маблағларни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Кейинги йили бўлимда раҳбар янгиланди. К.Мирзаев унинг имзосини ҳам тезгина "ўзлаштирди". У 2014 йил март ойида ўз пластик картчасига бўлим мудри И.Сама-товнинг имзосини сохталаштирган ҳолда 6 млн. 498 минг сўм, апрель ойида 4 млн. 304 минг сўм, декабрь ойида 22 млн. 381 минг сўм, 2015 йил

Обидхон МҶМИНОВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Тўрақўрғон туман бўлими бошлиғи

апрель ойида 5 млн. 50 минг сўм, жами 70 млн. 221 минг сўм муқофот пулларини "хондимишларга тарқатиш учун" деган баҳона билан тушириб олди. Ўз навбатида бу пулларни ишчи-ҳодимларга тарқатмай, шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юраверди.

Афтидан, бош ҳисобчи "бу қилмишларимдан биров оғоҳ бўлмайди", деган хомхаёлга берилган бўлса керак. Лекин у йўлаганидек бўлиб чиқмади. Назорат органлари томонидан бўлимда ўтказилган текширишда унинг кирдикорлари фош этилди.

Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди К.Мирзаевга қилмишига яраша тегишли жазо тайинлади. Пластик картчасига туширилган 70 млн. 221 минг 738 сўм пул маблағлари эса тўлиқ қайтарилди.

Д.Саломова ўғлининг тоби қочганидан хавотирланиб, уни шифокор кўришга олиб борди. Кейин унинг тавсияси билан ўғлини вилоят сиз касалликлари диспансерига ётқизди. Фарзандининг тузала бошлаганини кўрган она кўнглида шифокорларга нисбатан миннатдорчилик туйғуларини ҳис этиб, диспансер шифокори Н.Аллаёровнинг ҳузурига йўл олди.

# Тамага шама...

Шухрат ЗОКИРОВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Бироқ шифокор ҳузурига хурсанд ҳолда кирган онахон у ердан тушкун кайфиятда чиқди. Миёсида унинг сўзлари чарх уради: "Ўғлингизга қўшимча ётоқ жойи қилиб бердим. Бунинг эвазига 400 минг сўм бегасиз..."

Топганини дори-дармонга сарфлаб келаётган аёл учун бунча пул топишининг имкони йўқ эди. Бир томондан, "Бир иложини қиларман, пулни топиб бераман. Ҳар ҳолда ўғлим соғаймоқда-ку!", деган фикрга борса, иккинчи томондан, тамагир шифокорнинг устидан тегишли органларга мурожаат қилишни истарди.

Д.Саломова ўйлаб-ўйлаб, бир қарорга келди ва порохўр шифокорга нисбатан қонуний чора кўришларини сўраб, ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

Аёл келишилган вақтда Н.Аллаёров билан учрашди. Тезкор тадбирда шифокор 400 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган вақтда ашёвий далил билан қўлга олинди. Шу тариқа нафис ҳақалак отган шифокор қилмишига яраша жазага тортилди.

# Бурчни унутиб...

Сирож ҚУВАТОВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси бўлим катта инспектори

СВОЖЖДЛҚ департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси ва вилоят прокуратураси ходимлари томонидан фуқаро Бурхон Ашировнинг (исм-фамилиялар ўзгаририлган) аризаси юзасидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят бошқармасининг ҳудудий туман бўлими билан бирода суд ижросини бўлиб ишлаган Карим Ходиевнинг жиний қилмиши фош этилди. Маълум бўлишича, у ўз хизмат мавқенидан фойдаланиб, тамагирлик йўли билан фуқаро Г.Ашированинги турмуш ўртоғи А.Йўлдошев фарзандларининг таъминоти учун алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келаётганлиги сабабли, уни республика ҳудудидан четга чиқариш ҳуқуқини вақтинча чеклаш ва қидирув эълон қилиш учун "хизмат ҳақи" сўраган экан. У таниши фуқаро Р.Ўрмонов орқали Г.Ашированинги орасидан қимёвий ишлов берилган 200 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтда ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, унга суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

# Исход

Атабек ИСАЕВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Андижон шаҳар бўлими бошлиғи

2015 йил май ойининг охирида, мактабда қурилиш ишлари олиб борилаётган эди. Мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Барно Назарова директор Акмалжон Маҳмудов билан қурилиш юзасидан ташкилий ишларни ҳал қилаётган эди. Шу пайт Акмалжоннинг уяли телефонига бир аёл кўнгирак қилиб, ўзини Гўзал деб таништирди-да, учрашишни таклиф қилди. Акмалжон агар имконияти бўлса, истироҳат боғи ёнига келишни сўради. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўзини Гўзал деб таништирган бир аёл келиб, Акмалжон билан салом-алик қилиб, сўхбатлаш бошлади. Маълум бўлишича, Гўзал мактабга ишга жойлашиб, шунингдек, 7 ёшга тўлган хиёини 1-синфга қабул қилиш ҳақидаги илтимос билан келган экан. Бу эса Барнонинг эътиборини тортмай қолмади.

У бироздан кейин Гўзал билан сўхбатлашар экан, кўнгилида гараз ният уйғонди. Мактабда кадрлар масаласи бўйича фақат ўзи шуғулланишини, айтиш пайтида инглиз тили фани ўқитувчилиги бўйича вакант ўринлар борлигини айтиб, Гўзални қизиқтириб қўйди. Сўнгра мақсадга қўчиб, бу ишни битириш учун 500 АҚШ доллар беришни шама қилди.

Аёл директор ўринбосарининг таклифи қонунга хилоф эканлигини тушуниб ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилди.

...Барно Назарова мактаб биносининг биринчи қаватида кутиб турган экан. Гўзал келиши билан уни ичкари хонага бошлаб кирди. Ундан 500 АҚШ долларини олган, тегишли ҳужжатларни кейинчалик олиб келишини тайинлади. Шу пайт хонага департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси ва Андижон шаҳар бўлими ходимлари кириб келишди. Шу тариқа Б.Назарованинги гаразгўйлик ниятида режалаштирган жинояти фош этилди.

Суд ҳукмига кўра, Барно Назарова қилмиши учун жиний жавабгарликка тортилди.

/Давоми.  
Бошланиши 7-бетда/

Бугунги кунда жойлардаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда ўзини ўзи бошқариш органларига масъулиятли вазифалар оқлатилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда фуқаролар йигинининг масъул шахслари муҳтарам Юртбошимизнинг "Маҳалла кенг халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи кўприқдир, десак, янглишмаймиз. Бугунги кунда эҳтиёждан, кўп болали оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдам айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-

## Маҳалла – ноёб институт



лари томонидан тақсимланган ҳам бунди яққол исботлаб турибди. Чунки, маҳалла ким қандай шароитда яшайпти, ким ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтожлигини яхши билади. Маҳалла орқали ёрдам кўрсатишда адолат тамойили

бузилмайди", деб айтган фикрларидан келиб чиққан ҳолда, ўзларига билдирилган ушбу ишонччи оқламоқлари лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, дав-

лат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, худудларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.


Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш, ўз худудда яшовчи аҳолининг бандлигини таъминлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш, нотинч оилаларда ижтимоий муҳитни яқшилаш, вояга етмаганларни

жисмонан ва маънан соғлом этиб тарбиялаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, худудда тадбиркорлик фаолияти субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ахборот хизматлари кўрсатиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолияти бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишда масъулиятли вазифалар қўйилмоқда.

Ўзини ўзи бошқариш органлари бу борадаги фаолият самардорлигини оширишда маҳалла институтининг ижтимоий шериклик имкониятларидан самарали фойдаланиши, маҳаллалар фаолияти бўйича ошқоралиқни таъминлаш, ходимларнинг касбий билим ва малакасини доимий ошириб бориши лозим бўлади.

# Замонавий тўлов тизими амалда

Реклама



**Мамлакатимизда банк хизматлари кўламини кенгайтириш, миқозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида кўрсатилаётган хизматларнинг замон талабларига жавоб бериш имкониятларини кенгайтириш борасида банк тизимида қатор интерактив хизмат турлари амалга татбиқ этилиб келинмоқда.**

Юртимизда фаолият юритаётган молия муассасалари орасида ўзининг нуфузига эга бўлган акциядорлик тижорат Халқ банкида замонавий ахборот технологияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Эро бу замонавий ва илғор банк хизматларини кўрсатиш молия бозорига рақобатбардошлик даражасини барқарорлаштириш, хизмат кўрсатиш хавфсизлигини таъминлаш, шуниингдек, бозор қонунига қараб тезда чора қўришни мажбурий шартини белгилайди.

Бугунги кунда Халқ банки тизимида миқозлар "СМС хабарнома", "Интернет банкинг" хизматларидан фойдаланишлари, шуниингдек, банкининг www.xb.uz сайти орқали кредит олиш учун ариза, терминал олиш ва пластик карта очиб учун аризаларни онлайн тарзда юборишлари мумкин. Шуниингдек, сайтда "фуқаролар мурожаати", "экспертга мурожаат", "Бошқарув раисига мурожаат" хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, миқозлар кредит олиш ва омонатларни банкка қўйишда электрон калькулятор хизматлари жорий қилинган ҳамда банк фаолияти ва хизматлари тўғрисида барча маълумотлар жойлаштирилган.

Шуниингдек, миқозларга узлуксиз маслаҳатлар бериш ва уларнинг мурожаатларини қабул учун 200-00-55 телефон рақамида "CALL CENTER" хизмати ташкил этилган.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали электрон тарзда фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ҳисобга олиш ва ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар реестрини юбориш бўйича интерактив хизматлари амалиётга жорий қилинди.

Банкинг барча филиаллари Марказий банкинг Клиринг тизимига уланиш учун телекоммуникация воситалари билан тўлиқ бўлганда ва Марказий банкинг "МУНИС" тўлов тизимига уланиб, реал вақт онлайн режимида ишлаши йўлга қўйилди.

"Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизими" IABS 6 дастурий таъминоти жорий қилинди, ушбу тизим доирасида банкинг асосий функциялари тўлиқ автоматлаштирилган.

### Интерактив хизматларига қисқача шарҳ

Халқ банки жадал иктисодий ислоҳотлар жараёнида коммуникацион муҳитни ҳам ривожлантириб бормоқда.

Натижада миқозлар ўз ҳисобларига, молиявий ахборот базаларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимини, уяли телефон алоқаси, интернет, инфокиосклар ва "Интернет банкинг" тизими ёрдамида интерактив кириш имконига эга бўлишмоқда. Бу эса ҳужайра юритувчи субъектлар учун хизматлар сифатини тубдан яхшилаш ва кенгайтиришга катта имконият яратмоқда.

Мазкур хизмат тури интернет орқали ўз ҳисоб рақамини бошқаришда жуда қулай саналади. "Интернет банкинг" технологияси билан тўлақонли ишлаш учун интернетга уланган бўлса етарли.

Бундан ташқари, банкда "СМС хабарнома" дастури ҳам жорий этилган бўлиб, мазкур дастур миқозлар билан уларнинг сўровлари асосида ишлайди. Хусусан, миқознинг бир неча ҳисоб рақамини бир телефон рақамига бириктириш, фойдаланувчиларни ишлашга руҳсат бериш ёки тақиқлаш, миқознинг телефонига бош банк администратори томонидан тайёрланган алоҳида хизматлар туркуминини бириктириб бериш каби функцияларини бажаради. Шу билан бирга, ушбу дастур орқали миқоз ҳисоб рақамидидаги қолдиқларни, амалга оширилган сўнгги кириш ва чиқши амаллари сони ва миқдори ҳақида атрофлича маълумот олиш имконига эга бўлади.

Халқ банки томонидан маълумотларнинг юқори тезликда ўтказишнинг дастурий-техник мажмуаларини, ишончли ишлашини ва ахборотнинг руҳсатсиз фойдаланишдан ҳимоялашни таъминловчи ўта мукамал корпоратив тизимини яратиш бўйича чоратadbирлар амалга оширилган.

Ахборот хавфсизлиги ва миқозлар ҳақидаги маълумотлар махфийлигини таъминлаштириш мақсадида, ички назорат хизматида энг янги дастурланган технологиялар жорий этилган. Бундан ташқари, банк бизнес жараёنларини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва моддий-техник ресурсларни тежаш мақсадида молия муассасасининг барча бўлимларида электрон иш юритиш билан интеграцияланган, сертификатланган рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, бизнес жараёнлар мониторингини тизими жорий қилинди. Тақдим этилаётган банк хизматлари хилма-хиллигини кенгайтириш, шуниингдек, аҳоли ва миқозларнинг банк хизматларидан фойдаланишда манфаатдорлигини ошириш мақсадида аҳолига, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари-

га кўрсатилаётган молиявий хизматлар бўйича маслаҳат берувчи электрон маълумотлар тизими жорий этилди.

### Ф.Қорабоев, "Nodirabegim fashion" хусусий корхонаси раҳбари

— Бизнинг корхонамиз Халқ банки билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Банк ҳар доим ишимизни тез ва осон битиришда ёрдам бериб келади. Айниқса, банк филиалида жорий қилинган "Интернет банкинг" тизими бизнинг ишимизни янада енгиллаштирди. Бу тизим орқали мамлакатнинг ҳоҳланган худудига туриб ҳисоб рақамдаги маблағларимизни бошқариш имконига эга бўлдик. Бу дастур орқали ўзинизга керакли маълумотларни ўз вақтида олиш билан бирга вақтимиз ҳам тежалмоқда.

### И.Тўраев, "ST Real tex" МЧЖ корхонаси раҳбари

— Халқ банкида жорий қилинган "СМС хабарнома" хизмати жуда қулай. Шу тизимга уланганимдан буюн тадбиркорлик фаолиятимдаги ишларим анча енгиллашди. Яъни ҳисоб рақамимга келиб тушган ҳамда чиқиб кетган маблағларларни осонлик билан кузатиб тураман. Хуллас, ҳар бир банк операциясидан мобил телефон орқали хабардор бўлиб тураман. Бу тизим жуда қулай ва замонавий.

### Ф.Қалқонов, "Дехқон" МЧЖ корхонаси бош ҳисобчиси

— Биз корхонамиз ходимларининг пенсия жамғармаси тўғрисидаги ҳисоботни электрон шаклда юбориб келмоқдамиз. Ҳозирги кунда электрон тизим яхши ишлаётганлиги ва ҳисоботларнинг қозғода эмас, электрон шаклда юборилиши сарф-харажатларни қисқартириш ва вақтдан унумли фойдаланиш имкониятини яратиб берди. Бунда тадбиркор ёки миқоз кўп вақ-

тини тежаш билан бирга иш унумдорлигини оширишга ҳам эришади. Муносабатимизга айтиш мумкинки, янги технологияларнинг қўлланилиши ва банк томонидан аҳолига ана шундай қафолатли хизматларнинг жорий этилиши юрдошларимизга катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

### Яқин кунларда жорий этиладиган интерактив хизмат турлари "Мобил банкинг" хизмати

Ахборот технологияларининг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда Халқ банки масофадан туриб бошқариладиган, кеча-ю кундуз ишлайдиган энг сўнгги ва замонавий "Мобил банкинг" хизмат турини жорий этади. Юксак илғор технологиялар асосида яратилган мазкур тизимда маълумотларнинг ягона базаси тўлланиб, ҳар бир миқозга интернет, уяли телефон орқали истаган жойдан туриб, ўз ҳисоб рақамини кузатиш ва бошқариш имконини беради.

Ушбу тизим қатор қулайликларга эга бўлиб, миқозларга хизмат кўрсатишнинг янги технологияларини жорий этиш орқали банк билан миқоз ўртасидаги алоқаларни янада яқинлаштиради. Оддий қилиб айтганда, миқоз уйда ёки ишонасида туриб, истаган вақтда ўз пулларини бошқариш, кўрсатилган хизматларга тўловларни амалга ошириши мумкин.

### "Шахсий кабинет" хизмати

Банк ҳисоб рақамларини масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали миқоз шахсий ҳисоб рақамлари бўйича қолдиқлари ва маблағлар айлини-чи, берилган кредитларни қайтариш ҳамда миқозларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган фоизлар тўғрисидаги ахборотларни онлайн равишда олиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, миқозлар ушбу тизим орқали банкка дағи очилган омонат турлари ҳақида маълумотлар олиши, пластик карталаридаги кунлик тўловларни ва қолдиқларни кузатиб боришлари мумкин бўлади.

"Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими" эндиликда фуқаролар ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ўзларининг жамғариб бориладиган пенсия қолдиқларини онлайн ҳамда смс-сўров орқали билиб олиш имкониятига эга бўлишди. □

Банк матбуот хизмати

Хизматлар лицензияланган

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Наманган вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Ҳикматулло Раҳматуллаевга падари бузруквори Кудратилла АБДУРАХМАНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти жамоаси Департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармаси бўлим катта инспектори Жамшид Юлдашевга отаси Жўрақул Юлдашевнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ниҳиқ" газетаси жамоаси таҳририят муҳбири Гули Ҳожибоевага ўғли Мухаммадзиевнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# Айёмингиз муборак бўлсин!



Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар самарали фаолият юритиб, юрт равнақиға ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Обид Нурбоев табаррук 75 ёшни қарши олмоқда.

У фаолияти давомида Сурхондарё вилояти Шеробод туман прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида АМИБ терговчиси, бўлим прокурори ва катта прокурори, бошқарма прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, адолатпарварлиги ва ташаббускорлиги туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Камтарлиги, фидойилиги, самимийлиги ва хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматиға сазовор бўлди.

Шогирдлари уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайдилар.

Обид Нурбоевнинг кўп йиллик меҳнатлари ҳукуматимиз ва Республика Бош прокуратураси томонидан муносиб баҳолалиб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" унвони, "Фахрий ёрлик" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳурматли Обид Содиқович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизға ва оила аъзоларингизға мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизға тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

Прокуратура органлари тизимида турли раҳбар лавозимларида самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашға масъулият билан ёндашган инсон, прокуратура фахрийси Саидамир Мухторов табаррук 70 ёшни қарши олмоқда.

У меҳнат фаолияти давомида Зангиота туман прокуратурасида терговчи, Тошкент вилоят прокуратурасида катта терговчи, бўлим прокурори, бўлим катта прокурори, АМИБ терговчиси, Бўстонлиқ туман прокурори, Яшновод туман прокурори, Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари, Сирдарё вилоят прокурори, Республика Бош прокуратурасида бошқарма бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, Чирчиқ шаҳар прокурори, СВОЖЖДЛҚК департаментида бошқарма бошлиғи, бошқарма катта инспектори ва бўлим бош инспектори лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Саидамир Мухторов иш жараёнида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфирқ, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Саидамир Мухторовнинг кўп йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳурматли Саидамир Мухторов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизға ва оила аъзоларингизға мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизға тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, дастурхонингизға тўкинлик тилаймиз!



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

## Ҳурматли юртдошлар!

# «Асака» банк



яқинлашиб келаётган «МУСТАҚИЛЛИК КУНИ» байрами муносабати билан куйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

## «МУСТАҚИЛЛИК-25»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатға ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргалликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтириқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тулиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи уз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз  
Фуқароларнинг банклардаги омонатларини  
кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

«Асака» банк сармоянгиғизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

**Ҳуқуқ**  
yuridik gazeta

**Муассис:**  
O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Hakimboy HALIMOV  
Gulnoza RAHIMOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 233-98-40,  
**Faks:** 233-10-53,  
233-64-85

**E-mail:**  
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

**Nashr ko'rsatkichi**  
**231**

Buyurtma s-6238. 43 548 nusxada bosildi. Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: O'.DEHQONOV Sahifalovchi: S.BABAJANOV Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00  
Topshiridi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004